
ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун туманимиздаги 27-умумий ўрта таълим мактабида маънавий маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, бундан бир неча кун олдин “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” кўрик-танлови 27-умумий ўрта таълим мактаби ёлибликни қўлга киритган эди. Бундан ташқари, Халқаро иқтисод олимпиадасига саралашнинг ҳудудий (вилоят) босқичида ушбу мактабнинг 9 - "Ж" синф ўқувчиси Сарвиноз Алижонова вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб Республика босқичига йулланма олганди.

Бугунги тадбирда турли танловлар ва олимпиадаларда ёлибликни қўлга киритган ўқувчилар уларнинг ота-оналари ҳамда бир гуруҳ фаол ўқитувчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тақдирлаш маросимида туман ҳокими ўринбосари З. Умаров, сектор раҳбарлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими ходимлари иштирок этишди.

2022-03-29 16:00:10